

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslovovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Қиличев Хайрулла Маматович</b> ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
<b>2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li</b> ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
<b>3. Ходжаев Бахшилло Камолович</b> ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
<b>4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
<b>5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович</b> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
<b>6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна</b> ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
<b>7. Имомназаров Алишер Хасанович</b> КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
<b>8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна</b> ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
<b>9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович</b> ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
<b>10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович</b> “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
<b>11. Баракаев Лазизжон Отақулович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
<b>12. Турсунова Маликахон Улуғбековна</b> РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

**Ахмадов Алимардон Ахмадович,**  
 Тошкент шаҳар Бектемир  
 тумани прокурорининг ёрдамчиси  
 E-mail: axmadovvvv@gmail.com

**“ЖИНОЙИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР**

**For citation:** Akhmadov Alimardon Akhmadovich. INTERNATIONAL STANDARDS FOR “CRIMINAL ASSETS” RECOVERY. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.90-103

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113967>

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада “жинойий актив”ларни келиб чиқиш давлатига қайтаришга доир халқаро стандартлар, шу жумладан конвенциялар, шартномалар, FAFT тавсиялари, Регламентлар, Директивалар, Ҳадли қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур ҳужжатларда қўйилган талаблар ва тавсиялар, халқаро миқёсда чоралар кўриб келаётган ташкилотлар, хусусан Интерпол ва унинг ҳудудий бўлинмалари (Европол, Осиёпол, Америкапол), Эгмонт гуруҳи, Халқаро божхона ташкилоти, Активларни репатриация қилиш бўйича идоралараро Камден алоқа тизими, (Camden Assets Recovery Inter-Agency Network, CARIN), Жанубий Африка учун активларни репатриация қилиш бўйича идоралараро алоқа тизими (Камденнинг регионал бўлинмаси) (Asset Recovery Inter-Agency Network for Southern Africa), Интеграция ва коррупцияга қарши кураш бўйича Араб алоқа тизими (Arab Anti-Corruption and Integrity Network), Европа суди алоқа тизими (European Judicial Network), Eurojust каби ташкилотларнинг соҳада амалга ошираётган ишлари, илғор хорижий давлатлар тажрибаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** халқаро стандартлар, конвенциялар, шартномалар, халқора ташкилотлар тавсиялари, ҳадли қарор, директива, регламент, жиноий актив, БМТ, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, ФАТФ, Эгмонт.

**Ахмадов Алимардон Ахмадович,**  
 Помощник прокурора Бектемирского района города Ташкента  
 E-mail: axmadovvvv@gmail.com

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ВОЗВРАТА ПРЕСТУПНЫХ АКТИВОВ**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье освещены международные стандарты по возврату “преступных активов” в страну происхождения, в том числе конвенции, соглашения, рекомендации FATF, Положения,

Директивы, Решения и другие нормативно-правовые документы, требования и рекомендации, изложенные в этих документах, организации, принимающие меры на международном уровне, в частности Интерпол и его региональные подразделения (Европол, Азиапол, Америкапол), Группа Эгмонт, Международная таможенная организация, Камденская межведомственная сеть по возвращению активов (CARIN), Межведомственная сеть по возвращению активов для Южной Африки (региональное отделение Камдена) (Межведомственная сеть по возвращению активов для Южной Африки), Арабская сеть по борьбе с коррупцией, Европейская судебная сеть, Евроюст, а также вопросы имплементации опыта передовых зарубежных стран в национальное законодательство.

**Ключевые слова:** международные стандарты, конвенции, соглашения, рекомендации международных организаций, указы, директивы, постановления, криминальные активы, ООН, Евросоюз, Совет Европы, ФАТФ, Эгмонт.

**Akhmadov Alimardon Axmadovich,**

Assistant prosecutor of the Bektemir district of Tashkent city

E-mail: axmadovvvv@gmail.com

## INTERNATIONAL STANDARDS FOR “CRIMINAL ASSETS” RECOVERY

### ANNOTATION

In this article, international standards on the return of "criminal assets" to the country of origin, including conventions, agreements, FAFT recommendations, Regulations, Directives, Decisions and other legal documents, requirements and recommendations set forth in these documents, organizations taking measures at the international level, in particular Interpol and its regional units (Europol, Asiapol, Americapol), Egmont Group, International Customs Organization, Camden Assets Recovery Inter-Agency Network (CARIN), Asset Recovery Inter-Agency Network for South Africa (Camden's regional branch) (Asset Recovery Inter-Agency Network for Southern Africa), Arab Anti-Corruption and Integrity Network, European Judicial Network, Eurojust issues of implementing the practices of advanced foreign countries into the national legislation are highlighted.

**Keywords:** international standards, conventions, agreements, recommendations of international organizations, decrees, directives, regulations, criminal assets, UN, European Union, Council of Europe, FATF, Egmont.

Бугунги глобаллашаётган даврда халқаро ҳуқуқ нафақат давлатлараро ва бошқа халқаро муносабатларни, балки айрим ички муносабатларни ҳам тартибга солишга хизмат қилиши мумкин бўлган мураккаб ҳуқуқий комплекс шаклидаги нормалар тизимига айланиб бормоқда.

Миллий қонунчилигимизда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми [1], эканлиги белгиланган.

Халқаро ҳуқуқни қўллаш доираси ҳуқуқий нормаларга, шу жумладан халқаро ҳаётнинг глобаллашувига қўплаб объектив омиллар таъсири, яъни:

- ички нормалар ва институтларнинг халқаролашуви;
- ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солиш;
- халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши муносабати билан халқаро ҳуқуқ ва қатор миллий ҳуқуқ институтларининг яқинлашиши;
- халқаро муносабатлар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлашнинг демократик тамойиллари;
- ҳамкорликнинг янги йўналишларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш учун шароит яратадиган илмий-техник тараққиёт ютуқлари қабилар таъсири остида кенгаймоқда.

Халқаро давлатлар ҳамжамиятининг вазибаларидан бири глобаллашувнинг ижобий томонларини ривожлантириш ва унинг салбий қўринишларига қарши туришдир.

Глобаллашув халқлар ва давлатлар ўртасидаги алоқани кенгайтиришга имкон берадиган маълум имтиёзлар билан бир қаторда, ижтимоий соҳада хавфни келтириб чиқаради, баъзи ҳолларда халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, коррупциянинг намоён бўлишига ёрдам бериши мумкин. Булар нафақат маълум бир давлат ёки жамият, балки бутун инсоният манфаатларига зид ҳисобланади.

Глобаллашув халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари доирасида ривожланиши ва демократик тамойилларни рад этмаслиги керак.

Шу аснода, давлатларнинг халқаро интеграциялашуви ўзаро тенглик, тинчлик, адолатни самарали амалга ошириш, барча мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларини таъминлаш, кўп кутбли дунёни шакллантиришга асосланган глобаллашув ривожланадиган шароитларни яратишга қаратилган бўлиши зарур.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳати шундаги, улар маълум масалани икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида тартибга солиш зарурати юзага келганда қабул қилиниши мумкин ва маълум давлат ичида тўғридан-тўғри тадбиқ этилмайди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан ратификация ёки денонсация қилинганда ушбу давлат учун мажбурий характерга эга ҳужжатга айланади.

Масалан, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади[2].

Миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси – битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) катъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув[1], деб кўрсатилган.

Халқаро меъёрлар ваколатли органлар активларни қайтариш жараёни ёрдамида жинойий фаолиятларни самарали равишда фож этиш ва камайтира олиши учун, ўша активларни қайтариш жараёни қонун чиқарувчилар ва амалиётчилар, айниқса бу билан боғлиқ бевосита ёки билвосита иш олиб боришга ваколатли органларнинг доимий диққат марказида бўлиши зарур.

Халқаро характердаги, яъни трансмиллий жиноятларнинг турлари, улар томонидан етказилган зарарнинг кўлами нафақат бирор бир давлат, балки халқаро ҳамжамият учун хавфли эканлиги бугунги кунда ўз исботини топди[4].

Машҳур ёзувчи Д.Девис ўзининг “Nest of Vipers” (“Илонлар уяси”) асарида таъкидлашча, “талон-торож қилинган маблағларни ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, топиш қийин, баъзан эса имконсиздир. Бу маблағлар халқаро молия тизимига киради, деярли бир зумда бир мамлакатдан иккинчисига ўтади, изларини йўқотиш мақсадларида, келиб чиқиши электрон операциялар ораси йўқолади, улар ҳисобрақамдан ҳисоб рақамига ўтказилади, яширилади, кичик миқдорларга бўлинади, ечиб олинади ва излари яширилади”.

Россия Федерацияси Тергов қўмитаси бўлим бошлиғи, Москва юридик-иқтисодиёт университети аспиранти Ю.И.Немцовга кўра, “активларни қайтариш кўп қиррали вазифа ҳисобланиб, бир қанча босқичлардан иборат: улар “жинойий активлар”ни излаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш, кузатиш, мусодара қилиш тўғрисидаги суд қарори ижросини таъминлаш, уларни Россия юрисдикциясига қайтариш, етказилган зарарни жабрланганларга тўлаш ва (ёки) Россия иқтисодиётига реинтеграция қилиш ҳисобланади”[4].

“Жинойий активлар”ни қайтариш масаласи кўпроқ халқаро даражада амалга ошириладиган чоралар эканлиги, бунда икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўзаро муносабатга киришишлигини инобатга олганда, бу борадаги халқаро стандартлар ўта муҳим характерга эгадир.

“Жиноий активларнинг хорижий юрисдикцияларга чиқиб кетишига, ҳаракатланишига ва уларни келиб чиқиш мамлакатларига қайтариш халқаро ҳамжамиятнинг жиноятчиликка қарши курашдаги долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Шу аснода, “жиноий активлар”ни қайтариш муаммоси деярли барча халқаро форматларда амалиётчи ва назариётчилар, ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар, ваколатли органлар ва давлатларнинг мутлақ кўпчилигини бирлаштирди.

Зеро, дастлаб Америка кўшма штатлари Федерал кидирув бюроси (FBI) томонидан қўлланилган “Crime does not pay”, яъни ўзбек тилида “Жиноят ўзини оқламаслиги керак” ёки рус тилида “Преступления не должны окупаться” шиори бугунги кунда жиноятчиликка қарши кураш, айниқса “жиноий активлар”ни қайтариш борасида халқаро ҳамжамиятнинг шиорига айланиб бормоқда.

“Жиноий активлар”ни келиб чиқиш давлатига қайтариш борасида уюшмалар орасида Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европа Кенгаши, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (the Organisation for Economic Co-operation and Development, OECD) кабиларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Мазкур ташкилотлар кўплаб давлатларни ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик учун муносабатларни тартибга солишга қаратилган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бир томондан, улар жиноий таъқибни олиб боришнинг ички тартиб-қоидаларига оид халқаро ҳуқуқий стандартларни белгиловчи қоидаларни ўз ичига олади. Жумладан, бу хорижий юрисдикцияларга чиқарилган “жиноий активлар”ни қайтаришга оид турли давлатлар қонунчиликларидаги фарқларни бартараф этишга хизмат қилади. Бошқа томондан, халқаро ҳужжатлар давлатлар ваколатли органларининг юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлигига оид асосий қоидаларни ўз ичига олади, жумладан, жиноят ишларини тергов қилишда ўзаро халқаро ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш, юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш, активларни кидириш, аниқлаш, далилларни тўплаш, кузатиш, хатлаш, таъқиқ қўйиш, мусодара қилиш, сақланишини таъминлаш, бошқариш ва йўқ қилиш мусодара қилинган мол-мулкни реестр қилиш, уларни бўлиш ва қайтаришга бўлган масалаларни тартибга солади.

Тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий асосини таснифлаш мумкин бўлган бир неча халқаро актлар гуруҳлари ташкил этади: улар биринчи навбатда, қўллаш субъектларига қараб, яъни универсал халқаро ҳужжатлар, минтақавий актлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва бошқа бирлашмаларнинг ҳужжатлари. Уларни таснифлашнинг иккинчи мезони эса - улардаги нормаларнинг ҳуқуқий табиатидир. Шу асосда бундай актлар мажбурий ва тавсиявий характерга эга бўлади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига таъсирини аниқлаш учун ҳар бир гуруҳни алоҳида кўриб чиқамиз.

Улардан биринчи ва энг аҳамиятлиси универсал халқаро актлар бўлиб, уларнинг иштирокчилари, қоида тариқасида, дунё давлатларининг мутлақ кўпчилик қисми ҳисобланиб, буларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро шартномалари, шунингдек, баъзи бошқа ҳужжатлар киради.

Бошқа халқаро ташкилотлар, масалан, ФАТФ ёки OECD каби барча қитъалардаги кўплаб аъзо давлатларни қамраб олган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш, оммавий қирғин қуролини тарқатиш ёки шунга ўхшаш ҳолатларга қарши курашишни мақсад қилган тор соҳаларида жиноий иш юритиш жараёнида “жиноий активлар”нинг хорижий юрисдикцияларга чиқиб, ҳаракатланишига қарши курашиш ва уларни келиб чиқиш мамлакатларига қайтарилишига соҳасидаги универсал халқаро актларидир.

Ўрганилаётган соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар авваламбор универсаллик, яъни иштирокчи давлатларнинг барчаси томонидан қўлланилиши мумкин бўлган қоидаларни ўзида мужассам этиши зарурий ҳисобланади.

“Жиноий активлар”ни уларнинг келиб чиқиш давлатига қайтарилишини таъминлаш мақсадида жиноят-процессуал чораларни қўллаш, хусусан, активларни қидириш, хатлаш ва мусодара қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш учун халқаро ҳамжамият ва Европа институтлари томонидан махсус ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Бу ўринда, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси[7] алоҳида ўрин тутувчи халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Конвенция 2003 йил 31 октябрда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессиясида қабул қилинган бўлиб, 2005 йил 14 декабрдан кучга кирган, Ўзбекистон Конвенцияга “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли Қонунига мувофиқ қўшилиб, Ўзбекистон учун 2008 йил 28 августда кучга кирган.

Бу Конвенция имзоланган учун 2003 йил 9 декабрда Мексиканинг Мерида шаҳрида очилганлиги сабабли Мерида Конвенцияси деб ҳам юритилиб, шу кун Халқаро Коррупцияга қарши курашиш куни деб эълон қилинган[8].

Конвенция преамбула, етти боб, етти боб, етти боб бир моддadan иборат бўлиб, тарихда илк бор айнан шу Конвенцияда ноқонуний орттирилган активлар халқаро тартибда ўтказилишини янада самарали олдини олиш, аниқлаш ва бунга барҳам бериш ҳамда активларни қайтаришга қаратилган чораларни кўришда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Конвенциянинг мақсадларидан бири этиб белгиланди.

Ушбу халқаро ҳужжатда “оммавий мансабдор шахс”, “хорижий оммавий мансабдор шахс”, “оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси”, “мол-мулк”, “жиноий даромадлар”, “операцияларини тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш)” ёки “хатлаш”, “мусодара”, “асосий ҳуқуқбузарлик” ва “назорат остида етказиб бериш” кабиларга таърифлар берилди.

Конвенциянинг V боби “Активларни қайтариш бўйича чоралар” деб номланиб, унда активларнинг қайтариш масалаларига доир иштирокчи Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари, жиноий даромадлар бошқа жойга ўтказилишини олдини олиш ва аниқлаш, мол-мулк бевосита қайтарилиши учун чоралар, мусодара қилиш ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик воситасида мол-мулкни муомаладан чиқариш, мусодара қилиш мақсадларидаги халқаро ҳамкорлик, махсус ҳамкорлик, активларни қайтариш ва уларни тасарруф қилиш, тезкор молиявий маълумотларни йиғиш учун бўлинмалар, икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ҳамда битимлар масалалари ёритиб берилди.

Конвенциянинг 31-моддаси давлатлардан унда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган даромадлар ёки қиймати ушбу даромадлар қийматига тенг бўлган мол-мулк, жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк, ускуналарни мусодара қилиши имкониятини ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида мумкин бўлган максимал даражада таъминлаши белгилаб қўйилди[7]. Шунингдек, “жиноий активлар”ни аниқлаш, кузатиш, музлатиб қўйиш ёки хатлаш, мусодара масалалари ҳам ёритиб берилди.

Конвенциянинг 53, 54 ва 55-моддаларда давлатлар ўртасида мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни тан олиш талаблари ва амалга ошириш механизмлари белгиланган, 57-моддасида мусодара қилинган мол-мулкни қайтариш ва тасарруф этиш қоидалари назарда тутилган. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 59-моддасида иштирокчи давлатлар Конвенциянинг V бобига асосан амалга ошириладиган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқишлари мустаҳкамланиб қўйилди.

“Жиноий активлар”ни қайтариш борасидаги яна бир халқаро ҳуқуқий ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенцияси[10] ҳисобланиб, у БМТ бош Ассамблеясининг 55/25-сонли резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида имзоланган.

Қисқартирилган ҳолда “UNTOC” (United Nations Convention against Transnational Organized Crime) ёки имзолаш учун 2000 йил 12-15 декабрь кунлари Италиянинг Палермо шаҳрида очилганлиги сабабли Палермо Конвенцияси деб ҳам юритиладиган мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536–II-сонли “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги қарори билан ратификация қилинган бўлиб, 2004 йил 8 январдан кучга кирган.

Мазкур Конвенциянинг мақсади трансмиллий уюшган жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашда таъсирчан халқаро ҳамкорликка ёрдам бериш ҳисобланади.

“UNTOC”да ҳам “жиноий активлар”ни қайтаришга доир “мулк”, “жиноий даромад”, “хатлаш”, “олиб қўйиш”, “мусодара”нинг тушунчаларига таърифлар берилди.

Унда уюшган жиноий гуруҳларда иштирок этиш, жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция ва одил судловга тўсқинлик қилиш, шунингдек, бошқа “оғир жиноятлар” кўриб чиқилди. UNTOC 12-моддаси давлатлардан “жиноий активлар” мусодара қилишга руҳсат берувчи “ўзларининг ҳуқуқий тизимлари доирасида имкон қадар кўпроқ” чоралар кўришларини талаб қилади. UNTOC 13-моддада мусодара қилиш бўйича иш юритишга оид халқаро ҳамкорлик қилиш тартиби ва мажбуриятлари белгиланган, 14-моддада мусодара қилинган мол-мулк тасарруф этиш тартиб-таомиллари кўрсатилган.

Европа Кенгаши томонидан ҳам “жиноий активлар”ни қайтариш борасида эътиборга молик кўплаб чоралар кўрилиб келинмоқда.

“Жиноий активлар”нинг чет давлатларга чиқиб кетишига қарши кураш ҳамда уларни келиб чиқиш давлатларига қайтариш соҳасида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича махсус гуруҳи[11] (FATF - Financial Action Task Force on Money Laundering) ни алоҳида таъкидлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

FATF 1989 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 2005 йилдаги 1617-сон Резолюциясига мувофиқ тузилган ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашда халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш асосий мақсади ҳисобланади.

Бугунги кунда FATFнинг ўттиз еттита давлат, иккита минтақавий ташкилот ва тўққизта ассоциациялашган аъзоси мавжуд (Евроосиё гуруҳи - Eurasian group - ЕОГ, АТГ, ЕСААМЛГ, ГАФИСУД, МЕНАФАТФ, МАНИВЭЛ, КФАТФ, ГИАБА) бўлиб, Ўзбекистон Республикаси 2005 йилда ФАТФнинг ассоциациялашган аъзоси бўлган Евроосиё гуруҳига аъзо бўлган[12].

FATFнинг асосий ҳужжати қирқта тавсиялар (кейинги ўринларда – Тавсиялар) ҳисобланиб, жаҳоннинг икки юздан ортиқ давлатлари ушбу тавсияларни бажариш мажбуриятини олган, давлатлар FATFнинг ассоциациялашган аъзо ташкилотлар, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа глобал ҳамкорликлари ёрдамида баҳоланади.

FATFнинг энг асосий мақсади жиноятчиларни “жиноий активлари”дан маҳрум этиш бўлиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашда активларни қайтариш маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорлик ҳамкорлигининг асосий элементи ҳисобланади.

Тавсиялар давлатларнинг турли ҳуқуқий, молиявий ва бошқарув тизимларини инобатга олган ҳолда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга, шунингдек, оммавий қирғин қуролларини тарқатишга қарши курашиш бўйича, мамлакатлар муайян шароитларига мослаштириш орқали қўллашлари керак бўлган халқаро стандартни белгиладиган изчил чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Бу тавсиялар давлатлар томонидан риоя қилинмаган ёки баҳолаш натижаларига кўра, мавжуд ҳолат ёки қонунчилик ижобий деб баҳоланмаган ҳолларда, турли таъсир кўрсатиш

чоралари кўзда тутилган[13]. Буларга огоҳлантиришлар, кучайтирилган назорат остидаги ёки юқори хавф юрисдикцияси деб номланишини, “кулранг рўйхатлар ва қора рўйхатлар”га киритилишини киритиш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатлар ташкилот аъзолигидан ҳам чиқарилиши мумкин. Мамлакатлар ўз мавқеини сақлаб қолишлари учун ҳам камчиликларни бартараф этишга мажбур бўладилар. Шунингдек, FATF жаҳоннинг нуфузли молиявий ташкилотлари, хусусан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа глобал ҳамкорларга эга эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

FATFнинг 4 ва 38-тавсияларида “жиной активлар”ни қайтариш соҳасидаги масалалар ёритилган бўлиб, илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатларда қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, тўсиқларни минималлаштириш, маҳаллий ва халқаро миқёсда самарали қидирув ва мусодара қилиш жараёнлари ҳамда тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича зарур чораларни амалга оширишда ёрдам беради[14].

4-тавсиянинг мазмунига кўра, мусодара қилиниши керак бўлган активни аниқлаш, кузатиш ва баҳолаш чоралари кўрилиши керак. Шунингдек, 38-тавсияда мусодара қилиниши мумкин бўлган активни аниқлаш бўйича хорижий давлатларнинг сўровларига жавобан тезкор чоралар кўриш ҳамда бу фаолиятни мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлишни, шунингдек мусодара қилинган мол-мулкнинг тўлиқ ёки маълум қисмини ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа тегишли мақсадларда депозитга қўйиладиган активларни мусодара қилиш фондини ташкил этиш масаласини кўриб чиқишлари лозимлиги ўрнатиб қўйилди.

38-тавсия бўйича музлатиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича самарали тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам берадиган хорижий энг яхши қуйидаги амалиётлар келтирилди:

➤ музлатиш, олиб қўйиш ва мусодара жараёнларида мутахассис ва муддат билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида мувофиқлаштирувчи органларнинг етарли тажриба ва ресурсларга эга бўлишини таъминлаш;

➤ прокуратура органлари билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида реал вақт режимида самарали ҳамкорликда амалга ошириш механизмларини жорий этиш. Бунда халқаро сўровларни бажаришга масъул ходимлар ва мутахассислар, сўровни амалга оширган ва бажарадиган мамлакатлар (кейинги ўринларда – **томонлар**) ходимлари ўртасида норасмий муҳокамааларни амалга ошириш механизмларининг жорий этилиши;

➤ зарур ҳолларда, мусодара жараёнларининг томонлар ваколатли органлари ходимларидан иборат қўшма тергов гуруҳлари томонидан, қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, хабарларни хавфсиз тармоқлар орқали, келишилган стандартлар ва умумий терминологиядан фойдаланган ҳолда амалга оширилиш;

➤ томонлар ўртасида мусодара қилинган активларни тақсимлаш бўйича жабрланувчиларнинг компенсациясига мос ҳолда шартномалар тузиш. Бунда, мамлакатлар мусодара қилинган активларни бошқа мамлакатлар билан ўзаро тақсимлашга тайёр бўлиши кераклигини назарда тутувчи қоида мавжуд;

➤ активларни тақсимлаш бўйича сўровларга қўмаклашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар билан алоқа ўрнатиш учун масъул бўлган маҳаллий ваколатли органни тайинлаш. Ваколатли органни активларни тақсимлаш бўйича битимларда иштирок этишга рухсат берувчи механизмлар жорий этилиши.

8-тавсияга тушунтириш хатида кўрсатилишича, томонлар энг илғор тажрибага кўра, мамлакатлар соҳа ходимлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро юридик ёрдам, тегишли тизимларда иштирок этиш ва эътиборга молик жиҳати, самарали ҳамкорликни амалга ошириш учун ходимларни чет давлатларда жойлаштиришлари лозимлиги белгиланди.

Булардан ташқари, коррупциядан қўлга киритилган (яъни “жиной активлар”) активларни ноқонуний эгаларига қайтариш Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси асосий тамойили бўлиб, FATFнинг 36-тавсияси давлатлардан ушбу Конвенцияни ратификация қилиш, тўлиқ ва самарали бажарилишини талаб қилади.

Европа Кенгаши ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни мусодара қилишга оид ҳужжат(лар)ни ишлаб чиққан бўлиб, улардан Европа Кенгашининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тинтув қилиш, хатлаш, мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисида”ги конвенцияси[15] (CETS-Council of Europe Treaty Series 198) ни алоҳида эътироф этиш лозим.

Европа Кенгашининг Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тинтув қилиш, мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги конвенцияси ёки Варшава конвенцияси (CETS 198) жиноятларни тергов қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни кузатиш, мусодара қилиш, бу масалаларда халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни енгиллаштиришга хизмат қилди.

Варшава Конвенция 2005 йилнинг 16 майида Польшанинг Варшава шаҳрида имзоланган бўлиб, 2008 йил 1 майда кучга кирган, бугунги кунда унга ўттиз тўққиз давлат қўшилган.

Конвенция жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришни ҳам олдини олиш ва ҳам унга қарши курашни ўз ичига қамраб олган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, жиноий гуруҳлар ва уюшмалар, шу жумладан террористик гуруҳларга тегишли активлар ҳақидаги маълумотларни тезкор қўлга киритиш келгусида қўлланилиши зарур бўлган муваффақиятли профилактик ва репрессив чораларнинг калити ҳисобланиб, пировардида уларни тўхтатишнинг энг яхши усули эканлигини тан олади.

Эътибор қаратиш лозимки, ушбу халқаро ҳужжат терроризмни нафақат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, балки қонуний фаолият орқали ҳам молиялаштириш мумкинлигини ҳисобга олади.

Маълумки, “жиноий актив”ларнинг хорижий юрисдикцияларга чиқиб кетиши бир қатор мураккаб молиявий операциялар (шу жумладан, депозитлаш, маблағни ечиб олиш, банк ўтказмалари ва бошқалар) ўз ичига олади, бунинг натижасида ушбу активлар “қонуний бизнес” мақсадлари учун айни муддао бўлади. Мазкур маблағлар (“Dirty money[16]”) оддий корхоналар орқали қайта ишланади ва шу тариқа қонуний бозорларга кириб, бутун бошли иқтисодий бунёдларни бузиш даражасигача бўлган хавфни юзага келтиради. Ушбу Конвенция эса, мазкур хавфларни эътиборга олган ҳолда, буларни бартараф этиш учун зарур бўладиган қоидаларни белгилади.

Варшава конвенциясида қуйидаги соҳаларда халқаро стандартларга қўшимча тушунча ва қоидаларни киритилди:

- предикат жиноят ва исботи;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг элементлари ва шубҳали операциялар;
- соҳада юридик шахслар устидан етарли назоратнинг йўқлиги;
- юридик шахсларнинг жавобгарлиги;
- легаллаштирилган даромадларни (ёки “жиноий активлар”) аниқлаш;
- мусодара қилиш;
- исботлаш масалалари;
- музлатилган ёки олиб қўйилган мулкни бошқариш;
- нобанк молия институтларига назорат ва мониторинг ваколатларини бериш;
- халқаро ёрдам ва МРБлари ўртасидаги ҳамкорлик;
- хорижий МРБлари талабига биноан шубҳали операцияларни кечиктириш.

Европа Кенгаши терроризмни нафақат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, балки қонуний фаолият орқали ҳам молиялаштириш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда 1990 йилги Конвенцияни янгилаш ва кенгайтиришга қарор қилди. Яъни Варшава конвенцияси, терроризмни молиялаштириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган маблағларни (ҳатто бундай маблағлар қонуний йўл билан қўлга киритилган бўлса ҳам) мусодара қилиниши керак бўлган активлар ҳисобланади.

Халқаро ҳамкорлик мақсадларида Конвенция қуйидагиларни назарда тутди:  
терговга оид ёрдам шакллари, хусусан:

- далилларни олишда ёрдам бериш;
- маълумотни сўровсиз бошқа давлатга топшириш;
- терговнинг умумий усуллари қўллаш;
- банк сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этиш масалари.

вақтинчалик чоралар:

- банк ҳисобрақамларини музлатиш;

➤ активларнинг бегоналаштирилиши, банк ҳисобрақамларидан маблағлар бошқа ҳисоб рақамларга кўчирилиши ёки ечиб олинишининг олдини олиш учун мулкни хатлаш.

жиноятдан олинган даромадларни мусодара қилиш чоралари:

➤ хорижда мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни сўралаётган давлат томонидан ижро этилиши;

➤ бошқа давлатнинг илтимосига биноан мусодара қилишга олиб келадиган ички иш юритишни бошлаш (сўралаётган давлат томонидан).

Ушбу Конвенцияда, агар мусодара қилинган активни сўровчи томон (давлат) га унинг ички қонунчилигида сўровда кўрсатилган ҳолатлар (жиноят эканлиги) кўрсатилган бўлиши лозимлиги каби қоидалар белгилаб қўйилди.

Гумон қилинувчи шахслар ўз активларини қўлаб сабабларга кўра, шу жумладан шахсий имтиёзлар, инвестиция мақсадларида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшириниш учун бир қатор юрисдикциялар бўйича тақсимлайдилар. Шунинг учун активларни қайтариб олишда ўзаро ҳуқуқий ёрдамдан кенг миқёсда фойдаланилади.

Европа Иттифоқи суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида жиний одил судловни амалга оширишда фақат ўзининг юрисдикциясида амал қилишини назарда тутувчи ҳадли қарорлар (“framework decision” – “рамочное решение”) ишлаб чиқди. Ҳадли қарорлар юқори органнинг қуйисига маълум бир натижаларга эришиш учун, уларга эришиш усул ва воситаларини кўрсатмаган ҳолда, берадиган директиваларига ўхшаш кўрсатмалари ҳисобланади.

Бироқ ҳадли қарорлар директивалардан фарқли ўларок, иштирокчи давлатлардан тўғридан-тўғри амал қилинишини талаб қилмасдан, фақат факультатив (масалаларни иштирокчи давлатларнинг ўзаро розилиги асосида кўриши, кўрилганда ҳам иштирокчилардан бири суд қарорини тан олмаслиги ҳам мумкин[17]) характерга эга бўлади, ҳадли қарор шуниси билан ҳам унга қўшилган Европа Иттифоқи давлатлари учун қулайдир.

Шулардан бири, Европа Кенгашининг 2005 йил 24 февралдаги 2005/212/ЖНА Жиний даромадлар, воситалар ва мол-мулкларни мусодара қилиш тўғрисидаги ҳадли қарори[18] ҳисобланади.

Ушбу идоравий қарорнинг мақсади, иштирокчи давлатлар жиний фаолиятдан олинган даромадларни, уюшган жинийчилик ёки шунга боғлиқлар жиний учун судланган шахснинг активларини мусодара қилишни назарда тутиб, уларни активларнинг келиб чиқишини исботлаш мажбуриятдан озод этади.

Ҳадли қарорда “даромад”, “мол-мулк”, “жиний қуроли”, “юридик шахс” ва “мусодара” атамаларига таърифлар берилди.

Унга кўра, мусодара – бу жиний ишининг судда кўрилиши натижаси бўйича айбдорга нисбатан қўлланиладиган жиний жазо ёки чора сифатида тавсифланди. “Кенгайтирилган мусодара” (“маҳсус мусодара” деб ҳам аталади) назарда тутилиб, жисмоний шахснинг даромади унинг активлари қийматига номуносив бўлса ва суд кўриб чиқилаётган активлар унинг жиний фаолиятдан олинганлигига ишонч ҳосил қилган тақдирда қўлланилиши кўрсатиб ўтилди.

“Жиний активлар”ларни музлатиш ва мусодара қилиш соҳасида Европа Иттифоқи давлатларининг қонунчилигини уйғунлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлардан Европа Парламенти ва Кенгашининг “Европа Иттифоқида жиний қуроллари ва даромадларини музлатиш ҳамда мусодара қилиш тўғрисида”ги 2014 йил 3 апрелдаги 2014/42/EU директивасини[19] ёритиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Директивада трансмиллий уюшган жиноятчилик, хусусан “mafia” типдаги ташкилотлар”нинг асосий мотивлари иқтисодий фойда кўриш эканлиги сабабли, ваколатли органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни кузатиб бориш, музлатиш, бошқариш ва мусодара қилишда зарур воситалар билан таъминланиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, уюшган жиноятчиликни самарали олдини олиш ва унга қарши курашда нафақат уюшган жиноий гуруҳларни нафақат жиноий даромадлардан, балки жиноий фаолият натижасида қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулкдан маҳрум этиш этиш эканлиги Директиванинг кириш қисмида берилган.

Мазкур Директивада, 2003/577/ЈНА, 2005/212/ЈНА и 2006/783/ЈНА Ҳадли қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги Комиссиянинг ҳисоботида кўра, “кенгайтирилган мусодара”нинг режимлари, мусодара қилиш ва музлатиш ҳақидаги қарорларнинг ўзаро тан олинishi иштирокчи давлатлар қонунчиликларидаги тафовутлар сабабли, тўлиқ самарали эмаслиги кўрсатилган.

Унда, Директиванинг 2001/500/ЈНА и 2005/212/ЈНА Ҳадли қарорларнинг ўзгартирилиши ва кенгайтирилишига қаратилганлиги ҳамда иштирокчи давлатлар жиноят ишлари билан боғлиқ мусодара тартиб-таомилларини ҳар қандай ваколатли судларда кўзгатишлари мумкинлиги белгиланди.

Ушбу Директивада музлатиш ва мусодара қилиниши мумкин бўлган активнинг кенг таърифи кўзда тутилиб, улар ҳуқуқий ҳужжатлар ёки бирон-бир активга эгалик ёки бенифициарликни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз ичига олади ва иштирокчи давлатлар миллий қонунчилиги инобатга олинганлиги сабабли, эгаликни тасдиқловчи ҳужжатларни музлатиш ва мусодара қилиш “мулкдор”нинг ҳуқуқларига таъсир ўтказмайди.

Директиванинг яна бир муҳим қоидалари шундаки:

➤ суд иш ҳолатларига кўра шахснинг активлари унинг қонуний даромадларига тўғри келмайди деган хулосага келган тақдирда, “кенгайтирилган мусодара”ни қўллаши мумкинлиги;

➤ иштирокчи давлатлар гумонланувчи ёки айбланувчининг мусодарадан “қочиш” мақсадида учинчи шахсларга активларини ўзининг қийматида ёки бозор қийматидан арзон нархларда сотган, текинга бериб юборган ҳолларда, учинчи шахслар активнинг жиноийлиги билган ёки билиши лозим бўлган тақдирда, ушбу активларни ишга жалб қилинмаган шахслардан мусодара қилиш бўйича “учинчи шахслардан мусодара” институтини миллий қонунчиликларига киритишлари зарурлиги, булар эса виждонли учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги белгиланган.

➤ иштирокчи давлатларга музлатиш ва мусодара чораларидан зарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш учун самарали ҳуқуқий ҳимоя ва суд муҳокамаси кафолатларини яратишлари мажбуриятини ҳам юклаган.

Европа Комиссиясининг 2003/577/ЈНА ва 2006/783/ЈНА Ҳадли қарорларини амалга ошириш бўйича ҳисоботлари музлатиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни ўзаро тан олишнинг амалдаги тартиб-таомиллари тўлиқ самарали бўлмагани, ушбу Ҳадли қарорлар иштирокчи давлатларнинг барчасида ҳам етарли даражада амалга оширилмасдан, бир хилда қўлланилмагани, ўзаро тан олинмагани ва трансчегаравий ҳамкорликда субоптимал бўлмаганини кўрсатганлиги сабабли, Европа Парламенти ва Иттифоқи томонидан 2018 йил 14 ноябрда “Музлатиш ва мусодара қилиш ҳақидаги қарорларни ўзаро тан олиш тўғрисида”ги 2018/1805 (EU) Регламентини[20] қабул қилди.

Регламент – бу Европа Иттифоқида тўғридан-тўғри қўллаш хусусиятига эга эга бўлган норматив ҳужжатдир[21].

Европа Парламенти ва Иттифоқининг 2018/1805 (EU) Регламентидаги муҳим ва янги талабларидан бири шундаки, у музлатиш ва мусодара чоралари қўллаш ҳақидаги қарорлар фақатгина трансмиллий характерга эга ёки ўта оғир жиноят ишларида эмас, балки барча турдаги жиноят ишлари бўйича ҳам тан олишини мустаҳкамлаб қўйилди.

Регламентда Регламентда “музлатиш қилиш ҳақидаги буйруқ”, “мусодара қилиш ҳақидаги буйруқ”, “жиноят қуроли”, “топширувчи давлат”, “ижро этувчи давлат”,

“топширувчи орган”, “ижро этувчи орган”, “жабрланувчи шахс” каби тушунчаларга таърифлар берилди.

Регламентнинг яна бир шундай эътибор молик қоидалари мавжудки, унга кўра, икки шарт мавжуд бўлган тақдирда, иштирокчи давлатлар томонидан музлатиш ёки мусодара қилиш ҳақидаги қарорлар икки томонлама жиноийлиги текширилмасдан ижро этилиши белгиланди:

I. Музлатиш ёки мусодара қилиш ҳақидаги қарорни берган давлатда жиноят иши бўйича уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган бўлса;

II. Қуйидаги турдаги жиноят ишлари бўйича:

1. жиноий гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар;
2. терроризм;
3. одам савдоси;
4. болаларни жинсий эксплуатация қилиш ва болалар порнографияси;
5. гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси;
6. қурол, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний савдоси;
7. коррупция;
8. фирибгарлик, шу жумладан Европа Парламенти ва Иттифоқининг 2017/1371 (EU) Директивасида назарда тутилган Европа Иттифоқининг манфаатларига таъсир қиладиган фирибгарлик;
9. жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш;
10. валюта қимматликларини қалбакилаштириш;
11. компьютер техникасидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар;
12. экология соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноқонуний савдоси;
13. руҳсат этилмаган кириш ва яшашга ёрдам бериш;
14. инсон аъзолари ва тўқималарининг ноқонуний савдоси;
15. одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш;
16. одамларни гаровга олиш, ўғирлаш ёки тутқинликда ушлаб туриш;
17. ирқчилик ва ксенофобия;
18. қуролланган ва уюшган ҳолдаги ўғрилик;
19. маданий қимматликлар, шу жумладан антиквариат ва маданий меърос объектларининг ноқонуний муомаласи;
20. товламачилик ва рэкет;
21. товарларни сохталаштириш ёки кўчириш;
22. маъмурий ҳужжатларни сохталаштириш ва уларнинг ноқонуний айланмаси;
23. тўлов воситаларини қалбакилаштириш;
24. гармонал ва бошқа ўқиш воситаларининг ноқонуний муомаласи;
25. ядровий ёки радиоактив воситаларнинг ноқонуний муомаласи;
26. ўғирланган транспорт воситаларининг савдоси;
27. номусга тегиш;
28. ўт кўйиш;
29. Халқаро жиноий суднинг юрисдикциясига тушадиган жиноятлар;
30. ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаш;
31. саботаж.

Мазкур Регламентда, шунингдек, музлатиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни тан олишни рад этиш асослари аниқ белгиланиб, бу ҳужжат Европа Иттифоқида бевосита ва бир хилда қўлланиладиган жиноят ишлари бўйича ўзаро тан олиш тўғрисидаги биринчи норматив ҳужжат бўлди.

“Жиноий активлар”ни келиб чиқиш давлатига қайтаришда юқорида халқаро ташкилотлар билан бирга Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (Organisation for Economic Co-operation and Development, кейинги ўринларда – OECD деб юритилади) томонидан ҳам чоралар кўрилиб келинмоқда[22].

OECD 1948 йилда Европани иккинчи жаҳон урушидан кейин Маршал дастури асосида реконструкция қилиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш мақсадида Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти номи билан тузилган бўлиб, унда қарорлар бошқарув органи - аъзо давлатлар кенгашида консенсус асосида қабул қилинади[23]. 2021 йил май ойи ҳолатига унга жаҳоннинг ўттиз саккизта давлати ва Европа Иттифоқининг кўпчилик давлатлари OECD аъзо ҳисобланиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ушбу аъзолар 60 фоизи ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

OECD “жиноий активлар”ни қайтариш масалаларига кўпроқ коррупцияга қарши йўналиши орқали ёндашиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши кураш тармоғи (ACN) порахўрликка қарши ишчи гуруҳининг минтақавий тарғибот дастури орқали ёритиб боради[9].

Кўрсатилганлар билан бир қаторда, халқаро миқёсда “жиноий активлар”ни қидириш билан шуғулланувчи Интерпол ва унинг ҳудудий бўлинмалари Европол, Осиёпол, Америкапол), Эгмонт гуруҳи, Халқаро божхона ташкилоти, Активларни репатриация қилиш бўйича идоралараро Камден алоқа тизими, (Camden Assets Recovery Inter-Agency Network, CARIN), Жанубий Африка учун активларни репатриация қилиш бўйича идоралараро алоқа тизими (Камденнинг регионал бўлинмаси) (Asset Recovery Inter-Agency Network for Southern Africa), Интеграция ва коррупцияга қарши кураш бўйича Араб алоқа тизими (Arab Anti-Corruption and Integrity Network), Европа суди алоқа тизими (European Judicial Network), Eurojust каби ташкилотларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим[3].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга ваколатли давлат органи этиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган бўлсада, бу соҳаларда қўрилган чоралар етарли даражада эмаслиги кўриниб қолмоқда.

1. “жиноий активлар”ни аниқлаш, кузатиб бориш, музлатиш, жиноят ишларини ва амалга ошириладиган тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов ҳаракатларини мувофиқлаштиришга ваколатли давлат органи мавжуд эмас;

2. “жиноий активлар”нинг мусодараси, сақланиши, баҳоланиши, қайтарилишига ваколатли давлат органи белгиланмаган.

3. “жиноий активлар”нинг қайтарилиши соҳасида бошқа давлатлар ваколатли органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро юридик ёрдам, тегишли тизимларда иштирок этиш ва буларни амалга ошириш учун ходимларни чет давлатларда жойлаштирилишини назарда тутувчи норматив ҳужжат мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғининг ўринбосари У.У.Нигмаджановнинг таъкидлаганидек, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг [24]. 4-моддасида кўрсатилган прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлган жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, турли соҳаларда қонунлар ижроси устидан назорат, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш активларни қайтариш фаолиятини тўлиқ қамраб олмайди [25].

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, “Жиноий активларни қайтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, “жиноий активлар”ни аниқлаш, кузатиб бориш, музлатиш, жиноят ишларини ва амалга ошириладиган тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов ҳаракатларини мувофиқлаштиришга; уларнинг мусодараси, сақланиши, баҳоланиши, қайтарилишига ваколатли давлат органи этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланишини, шунингдек, лойиҳада соҳада бошқа давлатлар ваколатли органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро юридик ёрдам, тегишли тизимларда иштирок этиш ва буларни амалга ошириш учун

ходимларни чет давлатларда жойлаштирилишини назарда тутувчи норма киритилишини тақлиф этамиз.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни. 3-4 модда (Law of the Republic of Uzbekistan "On International Agreements". 3-4 items). <https://lex.uz/docs/4193761>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 93-модда. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. Article 93) <https://lex.uz/docs/6445145>.
3. Asset Recovery Handbook. A Guide for Practitioners. By Jean-Pierre Brun, Larissa Gray, Clive Scott, Kevin M. Stephenson. Stolen Asset Recovery Initiative. The World Bank. UNODC. International Bank for Reconstruction and Development. The World Bank, 2011. 126-бет.
4. А.А.Акбутаев. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бўлим бошлиғи. “Жиноий активларни қайтариш жараёни ва босқичлари”. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2002 й. 504-б. (А.А. Akbutaev. Head of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. "Criminal Asset Recovery Process and Steps." A collection of materials of the international scientific and practical conference dedicated to the 30th anniversary of the establishment of the Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan. 2002 504 p)
5. Davies L. Nest of Vipers. N. Y., 1995. (15-бет).
6. Ю.И.Немцов. Проблематика возврата в российскую экономику активов, выведенных в иностранные юрисдикции. (Yu.I. Nemtsov. The problem of the return to the Russian economy of assets withdrawn to foreign jurisdictions) <https://cyberleninka.ru/article/n/problematika-vozvrata-v-rossiyskuyu-ekonomiku-aktivov-vyvedennyh-v-inostrannye-yurisdiktsii>.
7. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. Нью-Йорк. 2003 й. (United Nations Anti-Corruption Convention. New York. 2003) <https://lex.uz/docs/1461329>.
8. [https://studopedia.su/15\\_102466\\_meridskaya-konventsiya.html](https://studopedia.su/15_102466_meridskaya-konventsiya.html)
9. <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/corruption/acn/about-the-anti-corruption-network-for-eastern-europe-and-central-asia.htm>.
10. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенцияси. (United Nations Convention "Against Transnational Organized Crime".) <https://lex.uz/docs/1304112#1304238>.
11. <https://www.fatf-gafi.org/en/the-fatf.html>.
12. <https://new-department.uz/ru/press/news/439>.
13. <https://www.fatf-gafi.org/en/the-fatf/what-we-do.html>.
14. <https://www.fatf-gafi.org/content/fatf-gafi/en/publications/Fatfrecommendations/Bestpracticesonconfiscationrecommendations4and38andaframeworkforongoingworkonassetrecovery.html>. (
15. Европа Кенгашининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тинтув қилиш, хатлаш, мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисида”ги конвенцияси (Convention of the Council of Europe "On the legalization, search, confiscation, confiscation and financing of the proceeds of crime") (CETS N 198). [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_287746/cde09a2cd0c411568920b76ce394a82dfae5045](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_287746/cde09a2cd0c411568920b76ce394a82dfae5045).
16. <https://classes.wiki/dictionary-english-russian-Аpresyan-term>.
17. Н.Г.Чернышевский номидаги Саратов давлат университети, Талабаларнинг файллар архиви. <https://studfile.net/preview>. 70-б. (Saratov State University named after N.G. Chernyshevsky, Student file archive. <https://studfile.net/preview>. p. 70)

18. Official Journal of the European Union. <https://www.eclan.eu/en/eu-legislatory/council-framework-decision-2005-212-jha-of-24-february-2005-on-confiscation-of-crime-related-proceeds-instrumentalities-and-property>
19. Directive 2014/42/EU of the European Parliament and of the Council of 3 April 2014 on the freezing and confiscation of instrumentalities and proceeds of crime in the European Union. <https://www.eumonitor.eu/9353000/1/j9vvik7m1c3gyxp/vjjwzitr9nzz>.
20. Regulation (EU) 2018/1805 of the European Parliament and of the Council of 14 November 2018 on the mutual recognition of freezing orders and confiscation orders. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=celex%3A32018R1805>;
21. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Регламент..>
22. “Few and Far. The Hard Facts on Stolen Asset Recovery”. <https://www.oecd.org/>.
23. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
24. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. (Law of the Republic of Uzbekistan "On the Prosecutor's Office") <https://lex.uz/docs/106197>
25. У.У.Нигмаджанов. Институциональные и правовое развитие прокуратуры в вопросах возврата активов. Вестник Правоохранительной академии Республики Узбекистан. Стр. 67 (U.U.Nigmadjanov. Institutional and legal development of the prosecutor's office in matters of asset recovery. Bulletin of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. - P. 67)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000